



СОМАТИК ФРАЗЕМАЛАРНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

Рашидова Умида,

Самарқанд давлат университети катта илмий ходими

Таянч иборалар: соматизм, қиёсий йўналиш, функционал-семантик йўналиш, экспрессив фразеологик бирлик, типологик ва тарихий аспект

Тилшуносликда инсон тана аъзолари номларига нисбатан қўлланиладиган «соматизм» атамаси илк бор эстон тили фразеологизмларини ўрганган олим Ф.Вакк томонидан қўлланилган эди. У мазкур диссертациясида соматизмлар фразеологизмларнинг қадимги кўринишлари қаторига киришини ва эстон тили фразеологик фондининг анчагина қисмини ташкил этишини таъкидлаган эди. «Соматик фразеологизм» атамаси эса биринча марта рус тилшунослигидаги инсон тана аъзолари номлари билан боғлиқ бўлган фразеологизмларни тадқиқ этган олим Э.М.Мордкович томонидан «Семантико-темантические группы соматических фразеологизмов» номли мақолада қўлланган эди.

Умуман, соматик фразеологизмларни ўрганиш, уларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Тадқиқотларнинг бир қисмида соматик фразеологизмлар бир тил доирасида (Вакк Ф., Багаутдинова Г.А., Дыбо А.В., Алексеева С.Г., Вайнтрауб Р.М., Егорова Т.И., Седова Н.А.,), баъзиларида икки тил (Чэтэ Т., Харченко Л.И ва Шашков Ю.А., Долгополов Ю.А., Мугу Р.Ю., Николина Е.В., Арсентьева Е.Ф., Аркадьев П.М., Кононова О.А., Гумерова Н.Ж. каби), уч тил (Гергокова Ж.Х., Долгополов Ю.А.) доирасида қиёсий планда ўрганилди.

Соматик фразеологизмларни бир тил доирасида ўрганиш ишларини 1964 йилда Ф.Вакк ўзининг номзодлик диссертациясида бошлаб берди. У замонавий эстон бадий тилидаги соматик

фразеологизмларни ўрганиш ва «соматизм» атамаси моҳиятини кенг планда ёритиб берди [3, 23].

1977 йилда М.В.Орёл ўз мақолаларидан бирида айнан соматик ФБлар компонент таркибини илк марта функционал-семантик йўналишда тадқиқ этди[4]. 1980 йилда В.М.Мокиенко ўзининг «Славянская фразеология» асарида умумий планда славян тилидаги ФБларни ўрганиб, қисман соматик фразеологизмлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган бўлса[5], худди шу йили Р.М.Вайнтрауб ўз мақоласини рус тилидаги соматик фразеологизмларни тадқиқ этишга бағишлади[6].

1985 йилда ўз номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Н.В.Куницкая замонавий молдаван тилидаги соматик фразеологизмларни тадқиқ этган бўлса [7], А.В.Прожилов 1999 йилда ўзининг диссертациясида замонавий немис тилида инсоннинг соматик хатти-ҳаракатларининг тилдаги ифодасини чуқур таҳлил этди[8].

Маълумки, соматик ФБлар таркибида инсон тана аъзолари номларидан бири қатнашади, шу сабабли ҳам бундай ФБлар ифодалаган маъноларнинг замирида инсон, унинг хатти-ҳаракатлари ётади. Бир қатор тилшунос олимлар ўз мақолаларида инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворларини акс эттирувчи соматик фразеологизмларни ўрганишди. Масалан, 1988 йилда Т.И.Егорова ўз мақолаларидан бирида рус тилидаги инсон хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворини баҳолавчи фразеологизмларни тадқиқ этган бўлса[9], Г.А.Багаутдинова инсон руҳий хатти-



ҳаракатларини намоён этувчи экспрессив ФБларни таҳлилга тортди [10].

Соматик ФБларни ўрганган олимларнинг айримлари уларни икки тил доирасида, уч тил доирасида ва турли тиллар доирасида қиёсий метод асосида тадқиқ этишди. Масалан, 1971 йилда Ю.А. Долгополов инглиз ва немис тилларидаги соматик-фразеологик сўз бирикмаларини қиёсий ўрганган эди. 1999 йилда ўз номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган Т.Чэтэ рус ва венгер тилларидаги соматик ФБларни; Е.Ф.Арсентьева ингиз ва рус тилларидаги соматик ФБларни; О.А.Кононова ўз мақоласида испан ва рус тилларидаги инсон феъл-атворини ифодаловчи ФБларни; Л.И.Харченкова ва Ю.А.Шашковлар ҳам испан ва рус тилларидаги инсон феъл-атворини ифодаловчи ФБларни; Е.В. Николина эса Сибирда истеъмолда бўлган турк тиллари ва қозоқ тилидаги инсонни характерловчи соматик ФБларни; Р.Ю. Мугу рус ва немис тилларидаги кўп маъноли соматизмларни қиёсий метод асосида тадқиқ этди. П.М.Аркадьев эса славян ва герман тилларидаги «бош» сўзининг ифодалайдиган турли хил маъноларини типологик ва тарихий аспектда ўрганди.

Бир қанча тилшунос олимлар соматик ФБларни уч тил асосида қиёсий аспектда ўргандилар. Масалан, 1973 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилган Ю.А.Долгополов рус, инглиз ва немис тилларидаги соматик ФБларни ўзаро қиёслаб таҳлил этди. Ёки Ж.Х.Гергокова 2004 йилда ҳимоя қилган номзодлик диссертациясида қорачой-балқар, инглиз ва рус тилларидаги «инсон» тушунчасининг фразеологик концептуаллашуви жараёнини қиёсий метод асосида бир-биридан фарқлаб берди.

XXI асрга келиб тилшуносликда когнитология, лингвокогнитив йўналиш, концепт каби тушунча ва атамалар пайдо бўлди. Натижада соматик фразеологизмларнинг когнитив таҳлилига бағишланган, концепт тушунчасини ифодаловчи инсон тана аъзолари номлари

якка ҳолда ўрганила бошлади., шундай масалаларга бағишланган диссертациялар ҳимоя қилинди. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бир қатор олимларнинг ишида айнан «қалб» концептини ифодаловчи соматик ФБлар турли хил усуллар орқали ўрганилди. Масалан, 1996 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилган С.Г. Алексеева замонавий рус тилидаги «юррак» ва «қалб» компонентли соматик ФБларни ўрганган бўлса, Н.И.Кириллова турли тиллар фразеологиясидаги «қалб» лексемаси ва концептини; Ю.Д.Тильман эса шоир Ф.И.Тютчев шеърлятида қўлланган «қалб» концептини; Е.Ф.Арсентьева ва Г.Р.Сафиуллиналар рус тилидаги «қалб» компонентли соматик ФБларни тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотларни юзага келтиришди. М.Ю.Михеев эса ўз мақолаларидан бирида рус тили мифологиясида «қалб» сўзининг намоён бўлиш усулларини кўрсатиб берди.

Ҳозирда тилшуносликда кенг қўлланиладиган «фразеологик модел», «структур-семантик модель»ларнинг жорий қилиниши натижасида ФБлар моделлар асосида ўрганила бошлади.

Соматик ФБларни структур-семантик усулда бир қанча олимлар (Мокиенко, 1980; Райхштейн, 1980; Добровольский, Малыгин, Коканина, 1990; Солодуб, 2002 ва б.) ўрганишди.

Структур-семантик модель (ССМ) асосида ФБлар маҳсулдор схема бўйича ясалади. Бундай схемалардан фойдаланиб ФБларнинг компонентларининг мазмун схемасини, уларнинг синтактик тузилиш схемасини, инвариант маъноларини аниқлаш схемаларини тузиш мумкин. Масалан, *кўз тегмоқ, кўз юммоқ, кўзлари очик, кўзлари бежо, кўзи тушмоқ, кўз ташламоқ, кўзларини ёғ босмоқ, кўзлари ёнмоқ, кўзи кўзига тушмоқ каби.*

Фразеологизмларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, уларнинг тузилишини ўрганиш усулларини аниқлашга ҳаракат хали XIX асрдаёқ бошланган эди (Ф.И.Буслаев, И.М.Снегиров, В.И.Даль).



В.М.Мокиенко ўзининг «Славянская фразеология» (1980) номли асарида ФБларни икки гуруҳга бўлган эди:

1. Айнан маълум физиологик ҳаракатни, кўчма маънода қўлланганда эса нофизиологик ҳаракатни ифодаловчи ФБлар;

2. Айнан бир физиологик ҳаракатни, кўчма маънода эса бошқа бир физиологик ҳаракатни англатувчи ФБлар [11,127].

Мокиенконинг бу таснифида жон бор, чунки фразеологиянинг барча турида «жисмоний ҳаракат» маълум маънода мавжуд. Тадқиқотчининг бу таснифи ФБлар ҳосил қилишнинг структур-семантик модель ёрдамида аниқлашга бўлган илк ҳаракатларидан биридир.

Мокиенконинг фикрларини олға сурган ҳолда Н.Д.Арутюнова «инсоннинг ички олами ташқи белгилар орқали характерланади, психологик тилда «жисмоний» сўзи борки, у метафорик маънода қўлланади» деган эди [12].

Фразеология соҳасида моделлаш ва унинг асосий тамойиллари А.Д. Райхштейн ишларида чуқур ва батафсил ёритиб берилган [13]. У томонидан ишлаб чиқилган усуллардан турли олимлар ҳар хил тиллардаги ФБларни (семантик майдонини) моделлашда фойдаланган. Масалан, Д.О.Добровольский, В.Т.Малигина, Л.Б.Коканиналар ўзларининг «Қиёсий фразеология» (герман тиллари материллари асосида) номли асарида айнан Райхштейн усулидан фойдаланишган.

Райхштейн ФБларни маъно-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уч турли аспектга бўлиб тасниф қилган эди:

1.Таркибнинг дастлабки (бевосита) маъноси

2.Бутун сўз бирикмаси англатадиган дастлабки маъно

3.ФБнинг умумий сигнификатив маъноси.

ФБлар қаторидаги компонентлар маъноларини умумлаштириш уларнинг *компонент-семантик инвариантини* юзага

чиқаради. Бу эса ўрганилаётган ФБнинг аниқ, лексик ва структур-синтактик жихатдан тушуниш имконини яратади. ФБлар маъноларининг жойлашиш ўрнини умумлаштириш эса уларнинг *семантик-жойлашув инвариантини* ҳосил қилади. Аниқ ФБлар қаторини умумлаштириш эса *фразео-семантик инвариантни* ҳосил қилади.

Райхштейн фикрича, юқоридаги ана шу уч инвариант ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш «фразеологик моделлаш» тушунчасини ҳосил қилади. Олим бу моделлашни «салбий нофизиологик таъсир» (инсонга нисбатан) деб атади.

Бу моделлаш ўзида яна бир қанча майда моделларни ҳам ҳосил қилиши мумкин. Уларни микромодел деб атасак ҳам бўлади. Бу микромоделларда ФБларнинг маънолари паст ва юқори даражада ўрганилиб умумлашади.

Кўрсатиб ўтилган юқоридаги моделлаш усулларини бирлаштириб *идрок этишнинг ягона когнитив моделини* тузиш мумкин. Унинг имкониятлари чегарасига нафақат инсон (унинг аъзолари, фикрлаш қонуниятлари), балки уни ўраб турган олам ҳақида ҳам тушунтириш кабилар киради.

Бундай когнитив моделни Д.О.Добровольский, В.Т.Малигина, Л.Б.Коканина каби олимлар қатор тадқиқотларида изоҳлаб беришган. Бу уч олимнинг хулосаларига кўра, барча универсал қонунлар фразеологик сабаблар билан боғлиқ ва улар мантик қонуниятлари билан асосланади.

Ю.П.Солодубнинг тадқиқотларида турли тиллардаги ФБларнинг қиёсий таҳлили муаммолари структур-типологик таҳлил орқали ечилади. Дарҳақиқат, ФБларнинг лексик-грамматик ўзига хосликларини қариндош ва қариндош бўлмаган тил материаллари асосида тадқиқ этиш иборалар ўртасидаги яқинлик даражасини аниқлаш имконини беради. Ю.П.Солодуб ўзининг «Современный русский язык. Лексика и



фразеология (сопоставительный аспект)) номли китобида модель тушунчасига куйидагича таъриф беради: **«Фразеологик модель – бу фразеологик маънони шакллантирадиган мантикий-семантик формуладир»** [14].

Бу таъриф анча аниқ ва тушунарли. Чунки фразеологик маънонинг шаклланиши хусусида сўз кетар экан, унда албатта мантикий усуллардан фойдаланилади.

Рус ва чех тилларидаги умумий маъноси «жазолаш» бўлган ФБлар қаторини Мокиенко структур-семантик модель асосида тадқиқ этган. Тадқиқоти натижасида олим фразеологик модель тушунчасини шундай изоҳлайди: **«Фразеологик модель деганда барқарор, ўзгармас бирикмаларнинг структур-семантик инвариантлари тушунилади»**.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, **структур-семантик моделлаш** мантикий тушунча орқали тил ва когнитив билан асосланади деган хулосага келиш мумкин. Яъни бу модель орқали тушунча ФБга айланади ҳамда ФБ ҳар томонлама чуқур таҳлил этилади.

Фразеологияда моделлашнинг **2-усули – концептуал таҳлилдир**. Концептуал таҳлилда (Добровольский, 1996, Толия, 1996; Шоховский, Панченко, 1999; Козаренко 2003) **«концепт», «концептуал модель», «метафорик модель»** каби тушунчалар қўлланади. Бу таҳлил натижасида ФБлар ҳис-туйғуни ифодаладиган метафорик моделларга ажратилади.

«Метафорик модель» тушунчасини илк бор ўз ишларида Д.О.Добровольский қўллайди ва «у айнан концептуал метафоранинг ўзи» деб таъкидлайди [15,71]. Олим бу тушунчани қўллаб, «даҳшат» («страх») семантик майдонининг умумий метафорик моделини тузди.

Олимнинг таъкидлашича, ажратилган метафорик моделларни нафақат рус, балки бошқа тилларда ҳам қўллаш мумкин. Уларни қўллаш орқали

инсон тана аъзоларининг вазифалари ва жисмоний тузилишининг ўзига хосликларини аниқлаш мумкин.

ФБлар семантикасини концептуал моделда ўрганиш А.Д.Козаренконинг тадқиқотларида давом этди. У ўзининг номзодлик ишида «хайрат»(удивление) семантик майдонига кирувчи рус тилидаги ибораларни тўплаб, уларни таҳлилга тортган эди. Бунда уларнинг метафорик маънолари алоҳида аҳамиятга эга дея таъкидлайди олим [16,26]. Унинг кузатишлари натижасида мимик ҳаракатлар орқали «хайрат»ни уйғотувчи аъзолар аниқланиб, улар билан боғлиқ бўлган ФБлар таҳлил қилинган. Олимнинг кузатишича, асосан хайратни «қўз» ва «қулоқ» компонентли иборалар ифодалар экан.

Келгусида фразеология соҳасида концептуал таҳлилнинг ривожланиши лингво-маданий йўналишнинг истиқболи билан боғлиқ. ФБларнинг концептуал таҳлили лингво-маданий йўналиш доирасига кириб, у ФБга маданий бирилик сифатида қарайди.

Концептуал таҳлилнинг асосида **концепт** тушунчаси туради. Тилшуносликка «концепт» тушунчасининг кириб келиши билан атамалар қатори янада бойиди. Бу тушунча билан бир қаторда «концептуал таҳлил», «гештальт», «когнитология», «когнитив» сингари атамалар пайдо бўлди. Кўпчилик тилдаги бу ўзгаришларга турлича ёндашди. Масалан, А.П.Чудиновнинг фикрича, «Когнитив тилшуносликка оид кўпгина адабиётларда аслида жуда ҳам кўп лингвистик атамалар (семантик компонент, семантик майдон) қўлланади ва улар когнитив атамалар («концепт», «домен»ва б.) сифатида тушунилади [17].

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, «семантик / фразеосемантик майдон» тушунчалари охириги йилларда қатор тадқиқотларда учрамоқда ва ундай ишлар ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Масалан, Юминова(1999) «ўлим» семантик майдонини, Т.Хайрулина



(2001) «инсоннинг асосий сифатлари»ни фразеосемантик майдон доирасида ишлаганлар.

Гарчи бундай ишларда «семантик майдон» атамаси қўлланилган бўлса-да, лекин унда асосий эътибор «концепт» масаласига қаратилади. Масалан, «ёлғон» концепти (Шаховский, Панченко, 1999); «қалб» концепти (Тильман, 1999; Кириллова, 2000); «эркак/аёл» концептлари (малышевская, 1999); характер ифодаловчи «қўрқок», «мағрур», «баджаҳл» концептлари (Динь Тхи Тху Куэн, 2001) ва б.

Бундан кўринадики, баъзан концептуал таҳлил натижалари структур-семантик модель натижалари билан тўғри келиши мумкин. Сабаби юқорида келтирилган ишлардаги концептларнинг барчаси семантик майдон доирасида ўрганилган. Бундан концептуал модель ҳақида шундай хулосага келиш мумкинки, у тил ва когнициянинг ўзаро алоқасига асосланар экан.

Фразеологияда моделлашнинг **3-усули бу идеографик (мавзуй) тавсиф усулидир**. Бунда ФБларнинг тавсифи уларни тушунтириш билан қиёсланади. Идеографик (мавзуй) тавсифда ҳам «семантик майдон», «микромайдон», «кичик гуруҳ» каби атамалар қўлланади.

ФБларнинг асосий идеографик моделда тавсифларини Р.И.Яранцев (1985), В.Н.Телия(1995, 1996), А.К.Бириха, В.М.Мокиенко, Л.И. Степановлар ўз ишларида келтирганлар.

Фразеологизмларнинг идеографик тавсифига бағишланган бадий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, айнан соматик компоненти бор ФБлар идеографик тавсифнинг асосий объекти ҳисобланар экан. Бундай идеографик тавсифларни рус тилшунослигида Телия(2006), эстон тилшунослигида Вакк(1964), молдав тилшунослигида Т.Куницкая(1995), венгер тилшунослигида Т.Чэже (1999) ва бошқирд тилшунослигида Т.Хайрулиналар (2002) амалга оширишган.

Масалан, венгер олими Т.Чэте соматик компонентлардан «кўз», «қулок», «бурун» ва «қўл» компоненти бор ФБларни маълум фразеосемантик гуруҳларга ажратади[17]. Ҳар бир гуруҳга ФБ маъносига тааллуқли бўлган умумий номлар қўйилади. Лекин бу таснифда баъзи бир камчиликлар мавжуд. Масалан, «кўз» компонентли ФБлар «кўриш гидроки» номли семантик гуруҳга мансуб деб кўрсатилади ҳамда улар ўз навбатида бир неча турларга бўлинади:

А) жиддий эътибор маъносини ифодаловчи ФБлар: «кўзни олайтирмақ»;

Б) тез қарамоқ маъносини ифодаловчи ФБлар: «кўзи тушмоқ»;

В) кимгадир ёки нимагадир нигоҳни йўналтириш маъносини ифодаловчи ФБлар : «кўз ташламоқ»;

Г) ҳайдаш маъносини ифодаловчи ФБлар: «кўздан йўқотмоқ»;

Д) кузатмоқ, қарамоқ маъноларини ифодаловчи ФБлар: «икки кўз билан».

Бу ўринда ҳар бир ажратилган гуруҳ таснифи учун аниқ мезонларнинг етишмаслиги сабаб баъзи жиҳатлари тўғри келмайди. Негаки, келтирилган мисолларнинг у ёки буниси бошқа тур учун ҳам тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, «кўз ташламоқ» ФБни олайлик. У ҳам «қарамоқ», «тез қарамоқ», «кузатмоқ» маъноларини билдиради.

Соматик компонентга эга ФБларни семантик тасниф қилиш молдав тилшунос олимаси Н.В.Куницкая томонидан ҳам амалга оширилган. У ҳам «кўз» компонентли фразеологизмларни тўплаб, уларни қирққа яқин семантик гуруҳларга бўлади.

Яна бир олим Р.Х.Хайрулина ҳам «кўз» компонентли соматизмларни идеографик моделда тасниф қилади. У жами 124 та «кўз» компонентли соматизмларни тўплайди ва улардан фақат 48 тасигина «кўриш» маъносини ифодалашини таъкидлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, идеографик тавсиф усули ҳақида



куйидагича хулосага келиш мумкин. Бу усул фразеологик материал учун семантик майдон тузади, турли тиллардаги ФБларнинг турлича шакллари кўрсатади ва ФБнинг семантик компонентини аниқлаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, замонавий тилшуносликда фразеологизмларнинг модели хусусида уч хил усул мавжуд экан: структур-семантик, концептуал таҳлил ва идеографик тавсифлаш. Бу усуллардан структур-семантик ва идеографик тавсифлаш усуллари бир-бирига яқиндир. Лекин концептуал таҳлил булардан фарқ қилади, чунки унда ФБлар семантикаси турли хил экстралингвистик омиллар орқали ўрганилади.

Шундай қилиб, соматик фраземаларнинг ўрганилиш тарихига назар ташлаб, умумий хулосаларга келдик:

1) Соматик ФБлар ўрганишдан мақсад – инсоннинг ички ва ташқи олами ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлиш;

2) Чунки инсон қалби, юрагига яқин мулоқот шакллари биринчи навбатда соматик ФБларда ўз аксини топади;

3) Соматик ФБлар ҳар қандай матнда, айниқса, бадиий матнда кучли экспрессив восита саналади;

4) Соматик ФБларни ўрганиш умумтуркий ФБлар қатламини аниқлашнинг асосий воситаларидан биридир;

5) Соматик ФБлар орасида энг фаоллари «кўз», «юрак» («дил»), «қўл», «бош» ҳисобланади. Бунинг асосий сабаблари эса инсон онгида акс этадиган тарли хил жараёнлар айнан шу аъзолари билан бесосита боғлиқ. Кўриш ва эслаб қолиш қобилияти «кўз» орқали амалга ошса, инсон бажарадиган хатти-ҳаракатларнинг асосий қисми «қўл» воситасида амалга ошади. «Юрак» эса инсон танасидаги жамики ҳис-туйғаларни ўзида мужассам этадиган «омбор» вазифасини бажаради.

Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. Жиззах, Сангзор, 2006.
2. Маматов А., Очилов Д. Фраземий моделлар таҳлили. Стилистика ва прагматика (профессор Суюн Каримов таваллудининг 60 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари), Самарқанд, 2011. 112-115 б.
3. Вакк Ф. О соматической фразеологии в современном эстонском литературном языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. –Таллин, 1964. 23 с.
4. Орёл М.В. Соматическая фразеология среднеобских старожильческих говоров (к вопросу о компонентном составе и функционально-семантической направленности) // Вопросы языкознания и сибирской диалектологии. Вып.7. –Томск. Изд-во Том. гос. ун-та, 1977. с. 96-103.
5. Мокиенко В.М. Славянская фразеология. –М.: Высшая школа, 1980. С. 207.
6. Вайнтрауб Р.М. О соматических фразеологизмах в русском языке // Лексические единицы русского языка и их изучение. Ташкент, 1980.
7. Куницкая Н.В. Соматические фразеологизмы в современном молдавском языке: дис. ...канд. филол. наук. –Кишнев, 1985. -190 с.
8. Прожилов А.В. Соматические состояния человека и их языковая онтология в современном немецком языке: дис. ...канд. филол. наук. –Иркутск, 1999. -208 с.
9. Егорова Т.И. Фразеологизмы русского языка со значением качественной оценки действия и манеры поведения человека // Вестник ОмГУ. 1988. Вып. 2. с. 68-71.
10. Багаутдинова Г.А. Механизм создания экспрессивности фразеологических единиц, отражающих психическую деятельность человека // Экспрессивность текста и перевод. -Казань, 1991. с.12-17.



11. Мокиенко В.М. Славянская фразеология. –М.: Высшая школа, 1980, 127 с.
12. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. –М.:Языки русской культуры, 1999. 896 с.
13. Райхштейн А.Д. Сопоставительный анализ немецкой и русской фразеологии. - М.: Высшая школа, 1980. 143 с.
14. Солодуб Ю.П. Современный русский язык. Лексика и фразеология (сопоставительный аспект). –М.: Флинта: Наука, 2002. 187 с.
15. Добровольский Д.О. Образная составляющая в семантике идиом // Вопросы языкознания, 1996. №1. –С. 71.
16. Козаренко А.Д. Метафоры эмоций: к проблемы культурной-специфики (на материале идиоматики) : Автореф. дис. ...канд. наук, М., 2002. -26 с.
17. Чудинов А.П. Россия в метафорическом зеркале: Когнитивное исследование политической метафоры (1991-2000). -Екатеринбург: Урал. гос. пед. ун-т, 2001. 238 с.

Rashidova U. The history of investigation of somatic phrasemes in linguistics. The views concerning investigation of somatic phrasemes in linguistics has been given in this article. The learning of somatic phrasemes has been illustrated on the base of alternatives ground.

Рашидова У. К истории исследования соматических фразем в лингвистике. В статье представлены идеи, касающиеся исследования соматических фразем узбекского языка. Исследование соматических фразем демонстрируется в поочерёдной последовательности.
